



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 31 январь, шанба

№9 (11.604)

Эркин нархда сотилади

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



29 январь кuni халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Олий Мажлисга Тошкент вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимизни улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдонига менгаш мумкин. Барча вилоят ва туманларда, шаҳар ва қишлоқларда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Бу янгиликлар нафақат Ватанимиз қиёфасида, балки халқимизнинг онги ва шурида ҳам ўз инъикосини топмоқда. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришлар-

ни мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг узвий бир қисми сифатида баҳолади. Тошкент вилоятининг мамлакатимиздаги ўрни ва мавқеи, инфратузилмаси ва коммуналхўжалик, табиий захиралари ва инсон ресурслари беқиёс. Юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 12 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Афсуски, сўнгги йилларда вилоятнинг обрў-эътиборига соя соладиган камчилик ва нуқсонлар кўпаймоқда. Вилоят кўпгина соҳалар ва йўналишлар бўйича ортда қолмоқда. Юртбошимиз вилоятдаги аҳвол ҳақида очиқ-ойдин гапирар экан, ижтимоий соҳадаги муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. У.Мирзақуллов нафақага чиқиши муносабати билан Тош-

кент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислам Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаб келаётган Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди. Сессияда сўзга чиққан Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги раиси Акмал Назаров, Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Қўччиёв, Бўқа тумани ҳокими Жўрабой Мираломов, Янгийул шаҳридаги 3-мактаб директори Равза Зинурова ва бошқалар Президентимиз

нутқида белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга ошириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вилоят ахлининг асосий вазифаси эканини таъкидлади. Воҳанин азалий обрў-эътиборини тиклаш, катта салоҳият ва имкониятларини рўйбга чиқариш, шухратини янада юксалтириш учун вилоят меҳнаткашлари қўғайратини аямаслиги ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишини қайд этди. **Воҳид ЛУҚМОНОВ, ЎЗА мухбири.** СУРАТЛАРДА: сессия пайти. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ: Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.** Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

У.М.Мирзақулловни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида


Умнат Маматқуллович Мирзақуллов нафақага чиқиши муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.** Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Козим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин. **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.** Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 январь.

Тошкент вилоятининг ҳокими Козим Носирович ТўЛАГАНОВ



1949 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, Тошкент политехника институтини тугатган. Мутахассислиги — муҳандис-гидротехник. Меҳнат фаолиятини 1971 йили Тошкент политехника институтини қурилиш факультетининг тадқиқотчиси сифатида бошлаган. 1972-1979 йиллари Тошкент қурилиш бoш бошқармаси 159-қурилиш трести бошқармаларида ишчи, уста, прораб, катта прораб, бошқарма бошлиғи бўлиб иш-

лади. 1979-1983 йилларда Тошкент қурилиш бoш бошқармаси 159-қурилиш трести бошқарувчиси бўлди. 1983-1988 йиллари Тошкент шаҳрида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди. 1988-1990 йиллари «Тошшаҳарқурилиш» бирлашмасининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1990-1992 йиллари Тошкент шаҳар қурилиш бoш бошқармаси бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси вазири бўлди. 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасига тайинланди. Бу лавозимда 1994 йилгача фаолият кўрсатди. 1994-2001 йилларда Тошкент шаҳар ҳокими бўлди. 2001-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлади. 2004 йил 29 январда Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты.

АЙРИМ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ҲАҚИҚАТИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чакриқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XX сессиясида вилоят сайлов комиссиясининг «Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга вилоят Кенгаши депутатлари сайловини тайинлаш тўғрисида»ги қарори кўриб чиқилди. Сессияда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига асосан 17-«Янги ҳаёт», 22-«Ғазалкент», 25-«Назарбек», 34-«Олимпкент», 36-«Озодлик», 48-«Чиноз», 52-«А. Ортиқов» сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга вилоят Кенгаши депутатлари сайловини 2004 йил 29 февраль — яқшанба кuni ўтказиш тайинланди. (Давоми 3-бетда).

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИАТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президент Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 29 январь кuni бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, кадрли юрдошлар! Хурматли депутатлар! Авваламбор, бугун барчангизни бардам-бақувват қўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларга ўзимнинг самимий хурмат ва истакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Бугун сиз, халқ вакиллари билан, Тошкент вилоятининг раҳбарлари ва жамоатчилиги билан учрашувимизнинг асосий мақсади — нафақат кун тартибидagi ташкилий масалани кўриб чиқиш, балки вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий аҳолига танқидий баҳо бериш, шу заминда яшайдиган одамларни ўйлантираётган, ташвиш ва эътироз уйғотаётган муаммолар ҳақида ҳолисона гаплашиб олиш, уларни бартараф этиш йўллариини излашдан иборат. Уйлайманки, шу масалалар, авваламбор, олди-

мизда турган долзарб вазифалар бўйича фикр алмашиб олсак ва ана шу муаммоларни ечишда ҳар бир раҳбар, ҳар қайси инсон ўз жойида ўз ҳиссасини қўсса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Мухтарам дўстлар! Юртимизнинг бугунги харитасини улкан қурилиш, ободончилик ва бунёдкорлик майдони, деб ўзимизга тасаввур қилсак, Тошкент вилоятида бўлаётган ўзгаришларни шу ишларнинг узвий бир қисми, деб қиёсласак, ҳеч қандай хато бўлмайди, деб ўйлайман. Албатта, бугун қайси соҳани олмайлик, бу ишлаб чиқариш бўладими, қурилиш ва ободончилик бўладими, саноат, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий соҳа бўладими — буларнинг барчасида биз кўпмиллатли вилоят ахлининг ўзини аямай меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Иқтисодиётда, ҳаёти-

нинг ижтимоий, маданий ва маънавий соҳа ва тармоқларида ислохотларни жорий қилиш йўлида амалий қадамлар қўйилаётганини кўришимиз мумкин. Иқтисодиётимизнинг етакчи бир қисми бўлмиш қишлоқ хўжалигида, одамларда ерга, мулкка эгаллик ҳиссиётининг мустаҳкамланиб, фермер-деҳқон хўжаликлари ҳаракати кенгайиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Бутун эл-юртимиз қатори бугунги кунда вилоят ахлининг таваққурида ҳам ҳаётимизга янги-янги қараш тушунчалари, жамиятимиздаги муносабатларни янгилаш ҳаракатлари тобора кучайиб бормоқда. Халқимизнинг онгида, ҳаётимизда бўлаётган бундай ижобий ўзгаришларни, авваламбор, 2004 йилнинг мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган-

ни ва буни аҳолиимизнинг ижобий қутиб олиши мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бугун вилоятнинг қайси шаҳар ва туманига борманг, барча жойларда меҳр ва мурувват деган тушунча янги маъно-мазмун билан бойиб, халқимизнинг табиати ва дунёқарашида ана шундай фазилат ва интилишлар янада кучайиб, кенг ёйилиб бораётганини кўриб, одам беихтиёр хурсанд бўлади, ўзи ҳам шундай савобли ишларга ҳисса қўшишга ҳаракат қилади. Азиз дўстлар! Тошкент вилоятининг Ўзбекистонимиздаги ўрни ва мавқеи, ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуналхўжалик тизими ҳақида, унинг улкан табиий захиралари ва аввало инсон ресурслари ҳақида сизларнинг олдингида ортиқча гапириб ўтиришга зарурат

йўқ, деб ўйлайман. Оллоҳ назар солган бу замин бағрида ноёб бойликлар кўп. Бу ерда ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизини белгилаб берувчи тоғ-кон металлургияси, ёқилғи-энергетика, кимё ва қайта ишлаш саноати ҳар томонлама ривож топган. Вилоятнинг ери унумдор, суғориш тармоқлари яши йўлга қўйилган, сув ресурслари ҳам етарли. Ҳақиқатда ҳам, қайси соҳани олманг, энг кучли корхоналар, энг кучли қурилиш ташкилотларининг кўпи Тошкент вилоятида жойлашган. Бугунги кунда республикада ишлаб чиқариладиган жами саноат маҳсулотининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эса 12 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши ҳам воҳанин салоҳияти мамлакатимизда нақада катта эканини кўрсатиб турибди. (Давоми 2-, 3-бетларда).

Билимдон, етук кадрлар мавжудлиги ҳақида гапирганда ҳам, азалдан бу вилоят катта салоҳиятга эга эканини барчамиз яхши биламиз. Ўзбекистоннинг деҳқончилик тарихида Тошкент вилояти нафақат пахтачилик, балки қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳам ўзининг юксак маданияти, тажрибаси, ибратли ишлари билан машҳур бўлиб келган, десам, бу ҳеч ким учун янглик эмас, деб ўйлайман. Ҳақиқатда ҳам, қайси соҳани олманг, энг кучли қурилиш ташкилотларининг кўпи Тошкент вилоятида жойлашган. Бугунги кунда республикада ишлаб чиқариладиган жами саноат маҳсулотининг 10 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эса 12 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши ҳам воҳанин салоҳияти мамлакатимизда нақада катта эканини кўрсатиб турибди. (Давоми 2-, 3-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН-ИСПАНИЯ:

ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2003 йилнинг 27-29 январь кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлган эди. Ушбу ташриф яқунлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш

учун янги имкониятлар очди. Қуйида Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий бош консули Сантьяго Руиз-Моралеснинг мақоласи эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Ушбу материални тайёрлаш жараёнида кўрсатган ёрдами учун Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасига миннатдорлик билдираемиз.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг унинг Испания Қироллиги билан икки томонлама муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. 90-йилларнинг бошларидаги туб геосийсий ўзгаришлар ва мустақил Ўзбекистоннинг ташкил то-

пиши Тошкент ва Мадрид ўртасида мамлакатларимизнинг минтақавий хавфсизлик муаммолари ва янги муносабатларни янада ривожлантириш бўйича ёндашувлари мослигига ҳамда ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорликка асосланган сиёсий мулоқотни ривожлантириш учун йўл очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Испания Қироллиги Хуан Карлос Биринчининг тақдирига биноан Испанияга давлат ташрифи буюрганига бир йил тўлди. Ўзбекистон раҳбарининг Мадрид учрашувлари чоғида Кла-

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президент Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 29 январь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ва Тошкент воҳасининг обрў-этиборини, керак бўлса, донғини юксалтиришда ўзининг ҳиссасини қўшган, шу заминни улуглаш йўлида хизмати сингган фидойиларини ҳақиқатан табаррук номларини катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслашимиз, тилга оламиз.

Лекин, шу билан бирга, бу борада олдимизда аччиқ бир савол пайдо бўлиши табиий, деб ўйлайман. Нима бўлдики, охириг йиллар давомида барчамиз учун ибрат-намуна бўлган ишларни фақатгина эслаш қолди? Нима учун бундай ижобий намуналарни давом эттириш у ёқда турсин, вилоят эришган марраларини ҳам тобора бой бермоқда?

Очиқ айтиш керак – кейинги йилларда Тошкент вилояти қатор соҳа ва йўналишлар бўйича оқсоқликка юз тутмоқда. Вилоят ҳаётида бу ҳолдани тасдиқлайдиган кўп-кўп мисолларни топиш ва тасдиқлаш қийин эмас.

Бу эса, биринчи гада, вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ва самардорлигига, аҳолининг ҳаёт даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни кўрмаслик, англамаслик мутлақо нотўғри бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз авваламбор ўзимизга ўзимиз ҳолисона баҳо беришимиз керак. Бу биз учун ўз мақсадларимизга етишимиз асосий шартидир. Ҳар қайси одам, ҳар қайси жамоа ўз ишига танқидий баҳо беришига, эртанги режаларининг амалга ошишини ҳам таъминлай олади.

Биз нимага эришганимиз ва нимага эришганимиз олганганимизни вақтида англаб, тўғри хулосалар чиқариб оласак, бу ҳам мардлик белгиси бўлади. Шундагина одамлар, халқимиз олдида виждонимиз тоза бўлади.

Бу маърузага тайёрларик қўриш жараёнида мен ўзимга қайта-қайта бир саволни бердим: нима учун Тошкент вилояти бундай аҳволга тушиб қолди? Ҳаммагиз яхши биламиз, илгари катта-катта анжуманларда биринчи бўлиб Тошкент вилояти вакилларига сўз бериларди. Чунки вилоятнинг ҳамма соҳалар бўйича эришган кўрсаткичлари, обрў-этибори биламиз эди.

Албатта, обрў-этибор осмондан тушмайди. Бунга фақат меҳнат, изланиш билан эришиш мумкин. Буни доимо бошқаларга ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти тарихида кўп кўрганим.

Кейинги йилларда вилоят ҳаётида рўй бераётган оқсоқлик авваламбор одамларнинг нафсониятига, гурурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Гурури-ифтихор деган нарса бир йилда пайдо бўлмайди. Бунинг учун узоқ вақт тинимсиз меҳнат қилиш, керак бўлса, жон фидо этиш зарур.

Кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин, бу иш бизнинг қўлимиздан келади. Фақат одамларни уйғотиш керак, уларнинг ишончини қозониш керак. Қолган ҳамма нарса бизда бор.

Вазиятни шу нуқтаи назардан таҳлил қилиб, саноат соҳасини оладиган бўлсак, вилоятдаги кўпгина йирик корхона ва уюшмаларнинг ишлаб чиқариш ва техник ҳолати бугун замон талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот оддий рақобатга чидамайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фақатгина ўтган йилнинг ўзида 204 та корхонанинг 76 тасида режадагидан 42 ярим миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилиди.

Вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётган аксарият маҳсулотларнинг сифати паст, таннархи эса баянда, маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилмагани туфайли омибор учун ишлашдақ яроқсиз усул ҳамон давом этмоқда.

Натижада вилоятда соловатли бўлган тайёр маҳсулотлар қолдиғи ўтган йилнинг ўзида 1,6 баробарга ортиб, 43 миллиард сўмни ташкил этгани ҳам ана шу ачинарли аҳволни тасдиқлаб турибди.

Сўнгги йилларда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 37 тадан 50 га етгани, зарар миқдори эса 20 миллиард сўмдан ошиб кетгани аввало вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг ўзибўлчарчилик ва лоқайдлик кайфиятига берилиб кетганини кўрсатади.

Вилоятда тўлов интизомини, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустақамлаш билан боғлиқ ишлар ҳам қоникарсиз аҳволда. Айна пайтада дебиторлик қарзлар миқдори 67 миллиард сўмдан ортиқ экани, кредиторлик қарзлар эса 157 миллиард сўмни ташкил этётгани ҳам шунинг исботидир.

Айниқса, пахтачилик соҳасидаги оқсоқлик йилдан-йилга қўчайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши табиий.

Охириг тўрт йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш 281 минг тоннадан 226 минг тоннага тушиб қолгани, ҳосилдорлик эса 5 центнерга пасайиб, давлатга қарийб 138 минг тонна пахта кам етказиб берилгани пахтачиликдаги аҳволни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, мана шу 138 минг тонналик ҳосилни бой берганимиз шу ҳисобидан миллиард-миллиард сўм даромадни йўқотганимиздан далолат бермайдими?

Ва бу ҳаётимизнинг даражасига салбий таъсир ўтказмоқда, ижтимоий соҳада қанча-қанча объектларимиз қурилмасдан, кўп муаммоларимиз ечилмасдан қолиб кетди.

Бир пайтлар ишни қўйиб қилиб, барча-барчага ўрнак бўлган вилоят деҳқонлари энди бошқа жойларга бориб тажриба ўрганишга эҳтиёж сезмоқда. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун шу ҳақиқатни очик айтишга мажбуримиз.

Мисол учун, чигитни плёнка остига экиш масаласини олайлик. Ўтган йили бу усул билан режадаги 24 минг гектар ўрнига бор-йўғи 3 минг 700 гектар ерга чигит экилгани нима дейиш мумкин?

Қишлоқ ҳўжалигидаги илгор технологияларга мана шундай совуққон муносабат натижасида, изланувчанлик ва ташаббусдорлик етишмаслиги оқибатида вилоятда ўтган мавсумда пахта топишириш бўйича шартнома режаси 77,5 фоизда қолиб кетди.

Ер ва сув имкониятлари жиҳатидан бир хил шартларда бўлган Чиноз тумани меҳнатқашлари шартнома режасини ортиги билан адо этгани ҳолда, бу кўрсаткич Пскент ва Бекобод туманларида атиги 65-67 фоизни ташкил этганига нима деса бўлади?

Хурматли депутатлар!

Бугун қилаётган ишларимизга баҳо берад эканмиз, биринчи гада аҳолимизни қийнаётган муаммоларга, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, оғирини енгил қилиш йўлидаги масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Бу йўналишда, ҳолисона тан олишимиз керак, Тошкент вилоятида анчамунча ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 93 фоизга, табиий газ билан таъминлаш эса 83 фоизга етгани ҳам шулар жумласидандир.

Лекин очик айтишимиз керак: қурилиш, ижтимоий соҳа, айниқса, маориф ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги аҳвол аҳолининг кўпгина эътироз ва норозилиқларига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда Тошкент вилоятида 897 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 520 минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Бу мактабларнинг 85 фоиз кишлоқларда жойлашган.

Ҳўш, ярим миллиондан зиёд бу болаларга муносабат қандай? Ёки ёшлар – келажакимиз эгаси, гурури-ифтихоримиз, суянчимиз ва танчимиз, деган тушунчалар фақат қуруқ гап бўлиб қолмаптими? Бу соҳага Тошкент вилоятида нега етарли эътибор берилмапти?

Биламан, маблаг ва имкониятларимиз ҳозирча етишмайди. Агар етса эди, кўп мактабларни янги қуриб, замонавий таъмирлаб, жиҳозлаб олган бўларди. Лекин умумий республика кўрсаткичи деган ўлчов бор.

Ҳар қайси вилоят ана шу кўрсаткичдан орқада қолса, ўзига табиий равишда, нега бундай бўлди, биз нимага оқсоқ бўлиб қолдик, деб савол бериши керак. Шундай экан, пойтхат вилояти нега бошқалардан орқада қоляпти?

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида мен айна шу масалага эътиборни қаратган эдим.

Бугун бу муаммонинг нақадар долзарблигини Тошкент вилояти мисолида ҳам кўриб туришимиз. Нима учун Тошкент вилоятида қишлоқ мактаблари, таъбир жоиз бўлса, худдики сағир бўлиб турибди? Уйлайманки, бу сўзининг маъносини яхши тушунасизлар, халқимиз қаровсиз, етим қолган болаларни сағир деб атайдими.

Қишлоқ мактабларида ўқийдиган фарзандларимизнинг кўзига қаранг. Уларнинг кўзида битта савол – менинг айбим нима, нима учун мен шундай ночор шароитда ўқишим керак, деган маънони кўриш мумкин. Чунки улар дунёда, юртимизнинг турли жойларида бугун болалар қандай замонавий ўқув масканларида таълим олаётганини кўриб турибди. Шунинг учун уларнинг, менинг бошқалардан кам жойим борми, деб ўқиниши табиий ҳол, албатта.

Агар мендан, маънавий соғлом болалар қаерда ўсаяпти, деб сўраса, бошқалар хафа бўлмасин-у, қишлоқда, деб жавоб берлар бўлардим. Шундай экан, келажакда мамлакатимиз тақдирини белгилайдиган болаларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун нега етарли шартлар яратиб бермаямиз? Фарзандларимиз

кўзидаги бу саволга биз ҳаммамиз – ҳокимлар ва раҳбарлар жавоб беришимиз керак.

Бу борадаги аҳволни аниқ тасаввур қилиш учун баъзи бир мисолларни келтирмоқчиман.

Вилоятдаги мактабларнинг 70 фоизидан ўқиб икки сменада, Бўка ва Зангиота, Қуйичирчиқ, Бекобод ва Ўртачирчиқ туманларидаги айрим мактабларда эса хатто ўч сменада олиб борилади.

Аҳолининг шундай кескинлигига қарамадан, кейинги йилларда янги мактаблар қуриш ва ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмапти. Жумладан, қурилиш тўхтаб қолган мактабларни қуриб битказиш юзасидан амалий ишлар қилинмапти.

Вилоятда бундай мактабларнинг сони 47 тани ташкил этади, уларнинг 42 тасида қурилиш ишлари бошланганга 10 йилдан кўпроқ вақт бўлган.

Бўка ва Бўстонлик туманларида 5 тадан, Қўнраб ва Пскент, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманлари ҳамда Ангрэн шаҳрида утадан ана шундай мактаблар бор. Чала қолган мактаби 10 йил давомида қуриб битказишга қурб етмаган туман мутасаддилари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин?

Вилоятда мавжуд мактабларнинг тахминан 50 фоизини мослаштирилган биналарда, 62 та мактаб эса ночор аҳволда жойлашган. Энг ёмони, кейинги йилларда уларнинг сони камайяпти.

Сўнгги беш йил давомида фақат 297 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. Лекин бу ишларнинг қўла-мий жорий таъмирлашдан фарқ қилмайди, белгиланган талаб ва меъёрларга жавоб бермайди.

Яъни, вилоятда капитал таъмирлаш ишлари фақат синф хоналарини бўйлаб ва оқлаш, биналар томини тузатишдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Мавжуд катта иқтисодий салоҳиятга қарамадан, вилоятда, айниқса, Тошкент шаҳрига туташ шаҳар ва туманларда бюджетдан ташқари маблағларни бу соҳага жалб қилиш ҳажми ниҳоятда пастлигига қолмоқда. Бу ишга – алоҳида ургу бериб айтмоқчиман – ҳомийларнинг куч ва имкониятларини жалб қилиш ҳам қоникарсиз аҳволда.

Масалан, Зангиота туманидаги 22-мактабда ўн йил мобайнида бирор марта ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмаган.

Бу ерда 793 нафар ўқувчи таълим олишига қарамадан, мактаб ошхонаси фақат 50 ўринга эга. Бу мактаб деярли иситилмайди, томидан сурункасига чакка ўтиб ётади, ҳовлидаги ёрдамчи биналар санитария талабларига умуман жавоб бермайди.

Туман ҳокими ёки унинг ўринбосарлари охириг марта қачон бу ерга келганини мактаб раҳбарияти эслаш олмагани.

Таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Бўстонлик ва Паркент, Пскент, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги қатор мактаблар кадрлар билан тўлиқ таъминланмаган. Айниқса, четили фани бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Умумтаълим мактабларида мавжуд 33,5 минг педагог кадрнинг 70 фоизини олий маълумотга эга. Бу мамлакат микёси-

даги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Масалан, олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар Бекобод туманида 46 фоиз, Паркентда 37,8 фоиз, Охангаронда 37 фоиз, Чиноз ва Пскент туманларида 33 фоизни ташкил этади. Бу жойларда педагог кадрлар таркиби асосан ўрта махсус маълумотли ўқитувчилардан иборат.

Бундай аҳволга қим танқидий баҳо бермоқда? Ким бунинг чорасини кўрмоқда? Бундай ҳолатдан шу туманларнинг ҳокимлари, вилоят раҳбарлари хабардорми, улар бу аҳволнинг сабабларини биладими? Афсуски, улардан сўрасангиз, фақат, мана, пахтадан бажардик, галлани бажардик, деб ҳисоб беришга ўтиб кетади.

Албатта, бу иқтисодий кўрсаткичлар муҳим, лекин ҳокимнинг асосий вазифаси – ижтимоий масалани ечиш, халқни рози қилиш эмасми? Бу масалани бугун Президент эмас, ҳаётнинг ўзи талаб қилмапти. Президент фақат сизларнинг эсингизга соляпти, ҳолос.

Мактабларни тузатиш учун аввало ҳар томонлама асосланган, пухта режа тузиш керак. Аниқ режа бўлмаса, интилиш ҳам бўлмайди. Фақат ҳисоб бериш учун эмас, эл-юртимиз учун ишлаш керак. Шундан кейин галла ҳам, пахта ҳам бўлади.

Ёки аҳоли саломатлигини сақлаш масаласини кўрайлик. Сўнгги пайтада вилоятда бу соҳани ислоҳ этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар 174 та кишлоқ врачлик пункти ташкил этилган, аҳолига шўшилчинг тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилган шундан далолат беради.

Лекин аҳолининг соғлигини сақлаш даражасини белгилайдиган кўпгина кўрсаткичлар бўйича вилоятда бу борадаги республиканинг ўртача кўрсаткичларидан сезиларли равишда ортада қолмоқда.

Бу, авваламбор, аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг республика кўрсаткичидан 1,2 баробар, оналар ўлими бўйича қарийб 1,6 баробар ортиқлигида, 1 ёшгача бўлган болаларнинг касаллигини ҳоллари кўпайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши муқаррар.

Вилоятда кўплаб тиббиёт муассасаларининг зарур анжом ва асбоб-ускуналар билан таъминланмиш даражасининг пастлиги ва ночор аҳоли кишини ташвишлантиради.

Айниқса, Бўстонлик ва Зангиота, Чиноз ва Тошкент, Янгийўл туманларида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси, керакли ашёлар ва анжомлар билан таъминланиши, тиббиёт ходимларининг маънавияти ҳамон паст даражада қолмоқда.

Кейинги беш йил ичиде Оққўрғон ва Бекобод, Қуйичирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларида бирор марта ҳам тиббий ускуна сотиб олинмаган.

Кўп жойларда доридорон билан таъминлаш даражаси эҳтиёжга нисбатан атиги 30-60 фоизни ташкил этаётгани қандай изохлаш мумкин?

Вилоятдаги мавжуд 199 та тез ёрдам машинасида 55 таси, яъни 27,6 фоизи мутлақо фойдаланишга ярамайди, машиналардаги рацияларнинг 60 фоизи маблағ етишмаслиги боис ишлайди. Умуман, тез тиббий ёрдам соҳасини автотранспорт билан таъмин-

лаш бўйича кўрсаткич вилоятда 82 фоиздан ортмайди.

Мисол учун, Ангрэн шаҳрини олайлик. Бу ерда 16 та тез ёрдам машинасига эҳтиёж бўлгани ҳолда, ҳақиқатда 10 та машина мавжуд бўлиб, улардан атиги бештаси ишлайди, ҳолос.

Бир қарашда, бу арзимас масала бўлиб туюлиши мумкин. Лекин тўсатдан юраги ёмон бўлиб қолган ёки ўлим тўшагиде ётган одамнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсак, бунинг нақадар муҳим эканини тушунамиз.

Биз эндигина бозор иқтисодиётига ўтаётган даврда тиббий хизмат пуллик бўлиши керак, бозор муносабатлари шунини талаб қилади, деганлар ҳам бўлди. Лекин биз бундай бирёқлама фикрларга берилмасдан, тиббиёт соҳасида ҳам ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни талладиқ.

Мен соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш устида уч йилдан кўпроқ вақт бош қотирдим, бу борада жаҳон тажрибаси, Европа тажрибасини ўргандим.

Биз авваламбор аҳоли учун бепул тез тиббий ёрдам хизматини ташкил қилишга эътибор қаратдик. 1997 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳасида тибб ислохотларини жорий этишга киришдик. Ўтган давр мобайнида бу борада кўп ишлар амалга оширилди.

Лекин Тошкент вилоятида аҳвол хануз эскича қолаётгани жиҳдий ташвиш уйғотади. Ўзингиз ўйланг, «тез ёрдам» ўз вақтида келмаса, унинг маънаси, рацияси ишламаса, бунинг нимаси тез ёрдам? Ҳозирги пайтда рўй бераётган ўлим ҳолатларининг аксарияти асосан тез ёрдам хизматининг вақтида кўрсатилмаслиги билан боғлиқ эканини инобатга олади-ми?

Азиз дўстлар, барчангиздан бир оддий ҳақиқатни унутмасликни сўрайман. Инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Ҳаёт қонунияти, тириклик талаби шундайки, бир кун билан яшайдиган, ўз олдида катта мақсад ва режаларни қўймайдиган одам узоққа бора олмайди.

Тез суръатлар, шиддат билан кечаётган ҳаёт бирақамизнинг олдимизга ўша оғир ва мураккаб масалаларни қўймоқда. Йилдан-йилга аҳолимизнинг сони қўпайиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Чунки одамлар фақат кечаги ёки бугунги ҳаёт даражаси билан чекланиб қолишни истамайди.

Мен қачонки «Бизга бўлаверди» деган гапни эшитсам, қоним қайнаб кетади. Нима учун бизга бўлаверар экан? Нима, биз бировдан каммизми? Мен бу саволни ўзимга доимо қайта-қайта бераман, сизлар ҳам ўзингиздан шуни сўранглар.

Нима, ўзбек халқининг бошқалардан кам жойим борми? Билиб қўйинглар, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Бу ғоя, бу шиор халқнинг миллатимизнинг онгига, суяк-суягига сингиши керак.

Мана, Бўка туманида газлаштириш даражаси бор-йўғи 40 фоизни ташкил этишига нима дейиш мумкин? Шуни унутмаслигимиз кераки, бу фақат коммунал масала эмас, бу аввало аёлларга шариот яратилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қолаверса, оилага, маҳаллага маданият олиб кириш, одамларнинг ҳаёт даражасини ўзгартириш демакдир.

Вилоятда янги қурилиш, халқимиз яшаётган жойларни, шаҳар ва кишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, обод этиш масаласига етарли эътибор берилмапти.

Айрим қишлоқлардаги майдон ва кўчаларнинг қаровсиз ҳолати, аҳоли истикомаат қиладиган ту-

рар-жойларнинг эътибордан четда қолиб келаётгани лоқайдлик ва бепарволикдан йироқ бўлган ҳар қандай одамнинг кўнглини хира қилиши турган гап.

Мен юртимизнинг кўп жойларида бўлганимда, кишлоқларимиз, турар-жойларимизнинг қиёфаси очилиб, гўзаллашиб бораётганини, бугунги ҳаётимизнинг янгича белги-аломати бўлган шундай интилиш ва эзгу ҳавасларни қўриб, кўпчилик халқимиз қатори хурсанд бўламан, кўнглим тоғдек кўтарилди.

Афсуски, Тошкент вилоятида бундай ижобий ёндашиш ва мисолларни камдан-кам учратамиз.

Яқинда мен Ғазалкент шаҳридан ўтаётди, унинг қандай аҳволга тушиб қолганини кўриб, жуда ачиндим. Беихтиёр, бу жойнинг эгаси борми ўзи, деб ўйладим.

Қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш – бу шунчаки ҳавас ёки эрмак эмас, балки шу орқали одамларнинг турмуш шариоти, энг муҳими, маънавий дунёси ўзгаради.

Турмуш маданияти, маънавият шундай нарсаки, у болалиқдан, боғча ёшидан инсоннинг тарбиясига кирган тақдирдагина ижобий бир натижа беради. Қўни-қўшни, маҳалла-қўй ўртасида бир-бирига гўл ва кўчат экиш, деворларни оқлаш, ён-атрофни обод қилиш орқали бекорчилик, ҳар хил фисқу фасод ва гийбат гаплар барҳам топади. Шундан сўнг нафақат кўча ёки майдонларда, балки инсон кўнглида ҳам ёруғлик пайдо бўлади.

Мен ободлик кўнглидан бошланади, деганда, авваламбор, шуни назарда тутаман.

Азиз дўстлар, барчангиздан бир оддий ҳақиқатни унутмасликни сўрайман. Инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Ҳаёт қонунияти, тириклик талаби шундайки, бир кун билан яшайдиган, ўз олдида катта мақсад ва режаларни қўймайдиган одам узоққа бора олмайди.

Тез суръатлар, шиддат билан кечаётган ҳаёт бирақамизнинг олдимизга ўша оғир ва мураккаб масалаларни қўймоқда. Йилдан-йилга аҳолимизнинг сони қўпайиб, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Чунки одамлар фақат кечаги ёки бугунги ҳаёт даражаси билан чекланиб қолишни истамайди.

Мен қачонки «Бизга бўлаверди» деган гапни эшитсам, қоним қайнаб кетади. Нима учун бизга бўлаверар экан? Нима, биз бировдан каммизми? Мен бу саволни ўзимга доимо қайта-қайта бераман, сизлар ҳам ўзингиздан шуни сўранглар.

Нима, ўзбек халқининг бошқалардан кам жойим борми? Билиб қўйинглар, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Бу ғоя, бу шиор халқнинг миллатимизнинг онгига, суяк-суягига сингиши керак.

Мана, Бўка туманида газлаштириш даражаси бор-йўғи 40 фоизни ташкил этишига нима дейиш мумкин? Шуни унутмаслигимиз кераки, бу фақат коммунал масала эмас, бу аввало аёлларга шариот яратилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, қолаверса, оилага, маҳаллага маданият олиб кириш, одамларнинг ҳаёт даражасини ўзгартириш демакдир.

Вилоятда янги қурилиш, халқимиз яшаётган жойларни, шаҳар ва кишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, обод этиш масаласига етарли эътибор берилмапти.

Айрим

МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Президент Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 29 январь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Рахбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини аввало ўз виждони олдида, унга ишонч юрган одамлар ва эл-юрт олдида чуқур англаши керак, иш устида куйиши ва ёниши керак.

Кечаю кундуз эл гами ва ташвиши билан яшаб, олдида турган муаммолар ечимини топмагунча, бошлаган ишларни охирига етказмагунча ўзига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қилган инсонни мен ҳақиқий етакчи-рахбар сифатида қабул қиламан.

Ўз тажрибамдан кўрганман – ҳаётда тайёр рахбар йўқ. Ҳеч ким тайёр ҳоким ёки вазир бўлиб туғилмайди, рахбарлик қобилияти йиллар давомида шаклланади. Мен кўпроқ рахбарнинг қайси хусусиятини қадрлайман? Менга доимо куйиб-ёниб яшайдиган, фидойи одам маъқул. Эҳтимол, у бирон масаланинг ечимини бирдангина топа олмас, лекин кеча-кундуз шу ҳақда ўйласа, эл манфаати учун жон куйдириш, кўп муам-

моларни ечишга қодир бўлади.

Минг афсуски, бугун кўп жойларда эскидан қолган, балки кимгадир ёқадиган қарашлар, кимгадир энгил ва кулай бошқариш услубларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Яъни, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», «мендан кетгунча, эгасига етгунча» деган лоқайдлик, бепарволик, қатъиятсизлик ва заифлик намунаси бўлиши ҳолатларга учрамоқдамиз.

Агар буларнинг қаторига таниш-билишлик, ошна-огайинчилик, маҳаллийчилик, поражўрлик каби иллатларни қўшсан, ўйламанки, бугун ҳаётимизнинг кўпгина тармоқ ва жабҳаларидаги оқсоқлик, ечимасдан турган кўпгина муаммоларнинг сабабини тушуниш қийин эмас.

Ҳар қайси рахбар шунинг учун рахбар қилиб қўйилган – сайланганки, у атрофида юрганларга нисбатан чуқурроқ билиш ва узокроқ кўриш қобилияти ва тажрибасига эга бўлиши керак.

Афсуски, аксарият рахбарлар кўп жойларда фа-

катгина оператив, яъни кундалик ишлар билан банд бўлиб юрмоқда. Албатта, бу ҳам керак. Жойлардаги вазиятдан ҳабардор бўлиш, муаммоларни вақтида ҳал этиб бориш ҳам лозим.

Лекин рахбарнинг асосий вазифаси шундаки, у ўзи етакчилик қилаётган тармоқ ёки ҳудуднинг истиқболли билан боғлиқ энг муҳим масалаларни олдиндан кўриб, уларнинг аҳамиятини ҳис этиб, сафарбарликни олдиндан ташкил қилиши шарт.

Бугунги кун ўтди, деб уяга бир гап бўлар, ҳаёт кунида рахбарнинг мутлақо ҳаққи йўқ.

Фақат шундагина ўз тақдирини шу рахбарга ишонган одамлар эртанги кундан хотиржам бўлиши мумкин.

Тошкент вилоятидаги умумий аҳволга мана шундай кўз билан қараб, баҳо берадиган бўлсак, ишдаги йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар учун айбни биринчи галда ўз зиммасига етакчи лавозимини олган, лекин вазифасини уддалай олмаётган

раҳбарда кўришимиз табиий.

Вилоятда бугун мавжуд бўлган иқтисодий-ижтимоий вазият авваломбор олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, бу ишга эл-юртни жалб қилиш вазифаси биздан янгича муносабат ва ёндашувларни, қатъий қарорларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Вилоятнинг ҳозирги ҳокими Умнат Мирзакулов ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта, бу рахбар ўзининг қобилияти, билим ва тажрибаси билан мавжуд аҳволни яхшилаш йўлида қўлидан келган ҳама нарча қилганини айтиш жоиз.

Биз ушбу сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида бу рахбар ҳақида одамларнинг фикрини ўргандик. Кўпчилик уни тоза одам, яхши инсон, бировни хафа қилмайди, деб таърифлайди.

Албатта, яхши одам бўлиш яхши, лекин Тошкентдаги катта вилоятга ҳоким бўлиш учун шунинг ўзи етарлими?

Рахбарлиқнинг оғир масъулиятини бўйнига

олган шахс аввало ўзига ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам талабчан, қаттиққўл бўлиши, керак бўлса, кимгадир ёмон кўринишдан ҳам кўрқмаслиги керак.

Ахир, халқимизнинг, элга бошлиқ бўлиш осон, элни бошламоқ қийин, деган нақли бежиз айтилмаган.

Минг афсуски, кейинги пайтда биз вилоят иқтисодиётида, айниқса, унинг етакчи соҳа ва тармоқларида оқсоқлик тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Иш фаолиятидаги камчиликларни У.Мирзакуловнинг ўзи ҳам тан олиб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Ижозатингиз билан, ана шу аризани овозга қўйишни сўрайман.

Биз Тошкент вилоятининг мамакатимиз ҳаётидаги ўзига хос ўрнини инobatга олиб, вилоят ҳокими вазифасига номзод танлашда қар тўндоқ бўлиб, депутатлар ва фаоллар билан фикрлашиб, бу лавозимга ҳозирги пайтда Бош вазирининг биринчи ўринбо-

сари бўлиб ишлаб келаётган Козим Тўлаганов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Мен бу лавозим К.Тўлаганов учун катта ишонч, кўтарилши эканига алоҳида эътибор беришимизни сўрайман.

Бу одам аввало қурувчи сифатида юртимиздаги кўп қўл ва кўп қўл билан, катта-катта санoат иншоотларини қуришда ҳам фаол қатнашган. «Тошкент шаҳар бош қурилиш» ташкилотиде ишлаган, пойтахтимизнинг ҳокими бўлиб фаолият кўрсатган. Мана энди, кейинги йилларда Вазирлар Маҳкамасида ўта масъулиятли вазифада ишлаб келаётган бу инсонни, Тошкент вилоятининг истиқболлини ўйлаб, шу лавозимга тавсия этаймиз.

Мен янги рахбарнинг қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишни истардим. Аввало, Тошкент вилоятида кўп миллатли халқ яшайди. Уларнинг ҳаммаси билан тил топиши, уларни бир мақсад йўлида сафарбар қила билиш керак.

Иккинчидан, янги рахбар вилоятнинг истиқболдаги тараққиёт режасини аниқ белгилаб олиши лозим.

2015 йилгача мўлжалланган ушбу дастурда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича устувор йўналишлар, муаммолар, уларнинг ечимлари, бир сўз билан айтганда, вилоятни ривожлантириш масалалари ўз аксини топиши зарур.

Ана шундан кейин аниқ мақсадлар йўлида ҳаракат қилиш, қўлдан келгандек ишларни амалга ошириш мумкин.

Шу билан бирга, Тошкент атрофидаги пахта экилмайдиган туманларни пойтахт аҳолисининг эҳтиёжини таъминлашга хизмат қиладиган ҳудудлар сифатида иختисолаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим. Масалан, Тошкент, Қўрай ва Зағзот туманларида мева-сабзавот, полив ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш имкониятлари бор.

Лекин фақат қишлоқ хўжалиги билан чекланиб қолган бугунги кун талабига тўғри келмайди.

Тошкент вилоятида етти-та катта санoат шахри мавжуд. Ноёб ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган бу шаҳарларни ўз холига ташлаб қўймасдан, уларнинг келажаги ҳақида доимий бош қотиришимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда, пойтахт вилояти том маънода пойтахт вилояти бўлиши даркор.

Қадрили дўстлар!

Ҳозиргина сизлар билан сайлаб, тасдиқлаб олган янги рахбар бугун айтилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, Тошкент вилоятининг иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитини яхшилаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун одамларни ўз атрофида бирлаштириб, бор куч-гайратини, билим ва тажрибасини ишга солади, деб ишонч билдиришга ружукат этайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, бутун вилоят халқига сийҳат-саломатлик, гайрат-шижоат, юртимиз раванқи йўлидаги бунёдкорлик ишларини гизда омад ёр бўлишини тилаймиз.

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН-ИСПАНИЯ:

ТАРИХИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

вихонинг қадим Самарқандда фаолият юритган элчионаси кўп бор тилга олинди, бундай яқин ва ўзига хос дўстликни бий бермаслик, аксинча, алоқаларни янада мустаҳкамлаш лозимлигига эътибор қаратилди.

Ташриф давомида Испания Қироли ва Бош вазири билан самарали музокаралар ўтказилди. Шунингдек, Ислам Каримов Конгресс, Сенат, Мадрид мэрияси, Тадбиркорлар ва санoатчилар конфедерациясида ҳам учрашувлар ўтказди. Номалум аскар ёдгорлигини зиёрат қилди.

Испания Қиролининг Президент Ислам Каримов билан ўтказган уч учрашуви олий мартабали меҳмонга алоҳида ҳурмат белгиси бўлди. Ушбу учрашувларнинг барчаси протокол томонидан белгиланган вақтдан кўп давом этди. Дастурда кўзда тутилмаган ички учрашув аса Қирол ташаббуси билан ўтказилди. Қирол, одатда, камдан-кам ҳоллардагина ўз меҳмонини режалаштирилмаган қўшимча учрашуга таклиф этади. Бу ҳам Испания давлат раҳбарининг Ўзбекистон Президентига алоҳида эҳтиромидан далолатдор.

Мазкур ташриф биринчи навбатда, Ўзбекистон раҳбарига, ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросига юксак ҳурмат-эҳтиром белгиси, Ислам Каримовнинг юртида амалга оширилган туб демократик ўзгаришлар, янгилиш ва ислохотларнинг эътирофи бўлди. Бу мамлакатларимизнинг ҳамкорлик муносабатларини янада жадал ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданият ва таълим соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлашга интилишининг яна бир жайрли аломати, яна бир исботидир.

Икки мамлакат раҳбарлари ҳавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини муҳокама этиш чоғида халқро террорчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi, уюшган жиноятчилик каби трансмилий таҳдидларга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятининг сайёҳаракатларини фаоллаштириш, шунингдек, экологияга оид муаммоларни барқарор этиш борасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувларда икки мамлакат томонидан Европа ва Марказий Осиё минтақаларида халқро террорчилик ва диний экстремизм ҳужуқларига қарши кураш борасида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар ўзаро қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда, дунё тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, миллий парламентнинг икки палатали тизмига ўтиш парламентаризм институтини ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлди.

Мулоқотлар чоғида Испания Қироли Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган 12 йил мобайнида Ислам Каримовнинг ички сиёсий барқарорлик, миллий яқдиллик ва тарихий давомийликнинг асосий омилга айланган демократлаштириш жараёнига қўшган улкан шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Қирол Ўзбекистон раҳбарининг юксак сиёсий

ва маънавий нуфузи озодлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари асосида тубдан янги жамият барпо этиш учун қўлай шароит яратилиши, ички сиёсий ҳаётда демократик меъёрлар ва қонунларга риоя қилишни кафолатлаш имконини берганини алоҳида таъкидлади.

Испанияда Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилгани ва жаҳонда ўзининг нуносиб ўрнини эгаллагани юксак қадрланди. Бу эътироф мамлакатда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юритилаётган пухта йиланган, қатъий ва мустақил ташқи сиёсат, жумладан, Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида илгари сурилган машҳур ташаббусларнинг муҳим натижаси сифатида қабул қилинади. Испанияда ушбу эътироф Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган демократия ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш сифатида ҳам тан олинади.

Ўзбекистон томонидан истиқлол йилларида босиб ўтилган шарафли йўлга назар солинса, 1991 йили бу мамлакат яққа ҳокимликдан, ҳар томонлама мафкура қобилига ўралган, миллий анъаналарни тан олмайди-ган тизимдан воз кечиб, ягона тўғри йўлни, очик демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналиш-рилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини тўғри танлаганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳаёт бу йўл ўзбек халқининг манфаатларига тўла мос келишини ва мамлакат учун, келгуси авлодлар учун катта имкониятлар ва порлоқ истиқболли очиб берганини кўрсатмоқда. Испания раҳбарияти билан ўтган барча учрашув ва суҳбатларда бу ҳақиқат алоҳида таъкидланди.

Икки давлат раҳбарлари мулоқотлар чоғида савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, фан, таълим, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик, шаҳарлар ва минтақалар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда ҳар томонлама рағбатлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Икки томон ҳам Ўзбекистон иқтисодиётига Испания сармоясини янада кўпроқ жалб қилиш зарурлигини қайд этди. Испания сармояси ёрдамида Ўзбекистонда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги ва соҳулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, транспорт, тиббиёт, фармацевтика ва сайёҳлик соҳаларида Испания тажрибаси ва технологиясидан кенг фойдаланилмоқда.

Миллий валюта конвертациясининг таъминланishi мамлакатда сармоя муҳитини соғломлаштириш борасида муҳим қадам бўлди. Бу ҳо-риж сармоясининг қўлайлишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, Испания аҳли Ўзбекистон ҳақида яна қўллаб янги маълумотлардан бохабар бўлди.

Жорий йилнинг мартада Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакилларининг Испанияга ташриф буюриши бунинг далилидир. Сафар асосида Тошкент-Мадрид ва Тошкент-Барселона савдо палаталарини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Булар қаторида мамлакатларимизни ўзаро ақинлаштирувчи яна бир омилга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон Осиё ва Европа, Шимол ва Жануб ўртасидаги кўприк бўлса, Испания Европа билан Латин Америкасини, «қўнқа қитъа» билан араб дунёсини боғловчи ўзига хос ро-битадир. Икки мамлакат халқлари ҳам қадимий аёнча ва замонавий ҳаёт кўнмакларини ўзига аjoyиб тарзда уйғунлаштирган, кесаларнинг хурмати-ни жойига қўйди ва кам сонли мил-латлар вакилларига яхши муносабат-да бўлади. Шу билан бирга, миллий музикий санъатларимиз дурдонаси саналмиш оламга машҳур «фламенко» ва «маком» наваларини ижро этиш услуби ҳам халқларимизнинг маъна-вий ақинлигидан далолатдор.

Икки томон ҳам жорий йилда испаниялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга режалаштирилаётган ташрифи, шунингдек, қатор маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, «Кастилиянинг Самарқанддаги элчионаси, мадрид-лик Клавихо Амир Темури саройида» мавзудаги экспозициянинг муваффақиятли ўтишига катта умид билан қарамоқда. Ушбу экспозицияни Тошкент, Самарқанд, Мадрид ва Барселонада намойиш этиш режалаштирилмоқда.

Испания шаҳарлари ва муҳтор вилоятлари билан бевосита алоқа ўрнатиш икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишидандир. Тошкент ва Барселона шаҳарларининг маъмуриятлари ўзаро биродарлик алоқаларини ўрнатиш борасида келишиб олди. Сал аввал Кардова ва Бухоро шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқаси ўрнатилган эди.

«Клавихо-Амир Темури» Испания-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ишига нуносиб ҳисса қўйишга интилмоқда. Зеро, тарихдан маълумки, ўртадаги масофанинг узоклиги ва миллий маданиятлар ўртасидаги фарққа қарамай, мамлакатларимиз дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мумкин ва ҳеч бир омил бунга монелик қила олмайди.

Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги алоқаларнинг тикланиши икки мамлакат ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Испания Қироли-лигига давлат ташрифи натижалари икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сантьяго РУИЗ-МОРАЛЕС, Ўзбекистон Республикасининг Мадриддаги Фахрий бош консули, (ЎЗА).

Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда Тошкент шаҳридан сафарбарлик қақурув резерви хизматида жалб этилган 250 нафар ишит қасам-ёд қабул қилди.

ЙИГИТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

Маросимда ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллар ва аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

– Йигитлар бир ой мобайнида бошлангич ҳарбий ўқув курсини ўтади, – дейди Тошкент ҳарбий округининг бўлим бошлиғи, подполковник Алишер Мўминов. – Бу қисқа даврда улар она-Ватанни ҳимоя қилишга қодир эканини намойиш эта билди.

ЎЗА.

СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Давлат ва жамият қурилиш академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, туманлар ҳокимлари, агросанoат соҳасига тааллуқли вазирилик ва идоралар раҳбарларининг семинар-мунозараси якунланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу соҳа оид Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, амалдаги қонунларга қиритилган қўшимча ҳамда ўзгартришлар, тегишли вазирилик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар билан танишди. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари, фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга исил жорий этишга доир масалалар атрофида муҳокама этилди.

Давлатимиз ташқи сиёсати, хорижий инвестицияларни жалб этиш, янгича иқтисодий тамойилларни жорий этиш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ер, сув ва бошқа ре-

сени таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган 2003 йил 24 мартда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»-ги ҳамда 27 октябрдаги «2004-2006» йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»-ги фармонлари ва улар ижросини таъминлашга қаратилган ҳуқуқ қарорларида юртимиз аграр соҳасини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилган.

Тингловчилар семинар-мунозарадан олган билимларини амалиётга кенг татбиқ этиши, юқориде эслатилган ҳужжатлар ижросини қатъий баҳариш учун бугун кўн-гайратини сарфлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Яқуний машғулотада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Худойбергенов, Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов, А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

ЎЗА мухбири.



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН

Солиқ ва ишлар бюджетининг асосий манбаи ҳисобланади. Уларнинг ўз вақтида тўланиши маълум тартиб-қоидалар билан белгиланади.

Шунинг билан бир вақтда Республикада солиқ тўловчиларга маълум бир имтиёзлар берилган. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга кенг йўл очилган. Шу билан биргаликда уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, яъни ноқонуний текширишлар ўтказишга йўл қўймаслик белгиланган.

Вилоят прокуратураси солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўшқармасида бўлиб ўтган семинар машғулоти ҳам ноқонуний текширувларга чек қўйишлик масаласига қаратилди. Семинарда сўзга чиққанлар тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган баъзи камчиликлар, текширувларни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳусусида таклиф

КОЛЛЕЖДА ҲАФТАЛИК

Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида молия кафедрасининг ташаббуси билан иқтисодий билим ҳафталиги бўлиб ўтди.

Унда талабалар молия, банк тизими, солиқ, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзулари бўйича қизқарли маърузалар тингладилар, ушбу соҳалар бўйича иш олиб бораётган мутахассислар билан учрашишда ҳамда мунозара, давра суҳбатларида қатнашишди. Айниқса, «Истеъмолчи, ҳуқуқингизни биласизми?» виторинаси ёшларда катта таассурот қолдирди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти туман бўлиmidан ҳам мутаассадилар иштирок этган ҳафталикда коллежда таълим-тарбия олаётган ҳар бир гуруҳнинг талабалари иқтисодий мавзуларга онд деворий газета ва саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

